

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/2025.27.12.T.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

БЕКТЕМИРОВ БЕГАЛИ ШУХРАТ ЎҒЛИ

**МИНЕРАЛОКЕРАМИК АСБОБСОЗЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – “Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим
остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси”
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бектемиров Бегали Шухрат ўғли

Минералокерамик асбобсозлик материалларини олиш технологиясини ишлаб
чиқиш.....3

Бектемиров Бегали Шухрат угли

Разработка технологии получения минералокерамических инструментальных
материалов.....21

Bektemirov Begali Shukhrat ugli

Development of technology for obtaining mineraloceramic tool materials39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/2025.27.12.T.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

БЕКТЕМИРОВ БЕГАЛИ ШУХРАТ ЎҒЛИ

**МИНЕРАЛОКЕРАМИК АСБОБСОЗЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – “Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим
остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси”
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Т3099 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Каримов Шоирджон Ахралович техника фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Ўлмасов Тулқин Усмонович техника фанлари доктори, катта илмий ходим Пармонов Сарвар Ташпулатович техника фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДМ хузуридаги DSc.03/2025.27.12.Т.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг **2026 йил «10» апрель соат 14³⁰** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail:fan va taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараққиёт» ДМ биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№31-25 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73.

Диссертация автореферати 2025 йил «27» март куни тарқатилди.
(2025 йил «25» ноябрдаги №31-25 рақамли реестр баённомаси).

С.С. Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзР ФА академиги, т.ф.д., профессор

М.Э. Икрамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

В.С. Туляганова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда машинасозлик саноатида турли хил кесиб ишлов бериш қийин бўлган тобланган пўлат ва кўплаб рангли метал қотишмаларига механик кесиб ишлов беришда кенг миқёсда қўлланилиб келинаётган кескич пластинкаларини кукунли металлургия усулида ишлаб чиқариш ва уларнинг ишлаш муддатини оширишда, кескич пластинкалари учун самарали кукунли композицион материалларни ишлаб чиқишга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада, жумладан металлларга механик кесиб ишлов бериш станокларида ишлатиладиган минералокерамик кескич пластинкаларнинг ишлаш қобилияти ва самарадорлигини оширишда кукунли металлургия усулида олинган ейилишбардош алюминий оксид асосли керамик композицион материал олишнинг самарадор таркибини ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда машинасозлик саноатида металлларга кесиб ишлов беришда қўлланилаётган минералокерамик кескич пластинкаларини турли иккиламчи легирловчи фаза қўшимчалари қўшиб ва турли ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш, ва ушбу легирловчи қўшимчалар ва ишлаб чиқариш технологиясининг уларнинг мустаҳкамлигини ошириш, механик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида илмий–тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, алюминий оксид асосли материаллардан кукунли металлургия усулидан фойдаланган ҳолда, юқори термо-механик хоссаларга эга ва ейилишбардош пластинкаларни ишлаб чиқаришнинг самарали технологияларини яратиш ва легирловчи қўшимча характеристикалари ва пресслаш босими, қиздириб пишириш параметрларини механик ва технологик хоссаларига таъсири, ейилишбардош хусусиятларини ўрганиш, ва уларни ишлаб чиқишнинг самарали, ресурстежамкор технологиясини яратиш ва ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамизда алюминий оксиддан турли буюм ва маҳсулотлар олиш усуллари ҳамда ишлаб чиқиш технологиясини яратиш, металлларга кесиб ишлов беришда қўлланилаётган кескич пластинкалар учун юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган алюминий оксид асосли материалларни яратиш бўйича чора тadbирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада металлларга кесиб ишлов беришда қўлланиладиган кескич пластинкалари учун алюминий оксид асосли материаллар олишнинг самарадор таркибини ва олиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли Фармони

технологиясини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги №ПҚ-3682-сонли «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги №ПҚ-4124-сонли «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 24 июндаги №ПҚ-5159-сонли «Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергоресурстежамкорлик, машинасозлик ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида металлларга кесиб ишлов беришда қўлланиладиган кескич пластинкалари учун алюминий оксид асосли материаллардан юқори эксплуатацион хоссаларга эга янги таркибни яратиш ва физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш ҳамда уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда қуйидаги хорижий ҳамда ўзбек олимлари ўзларининг илмий-амалий тадқиқотлари натижалари билан ҳиссаларини қўшиб бормоқдалар, хусусан: Wei-Hsing Tuan, Ali Arab, Betul Kafkasl uglu Yildiz, Marek Boniecki, Ahmad Zahirani Ahmad Azhar, Maria Cecilia Correa de Sfe Benevides de Moraes, M. A. Gafur, M. Iwasa, Nik Akmar Rejab, F. Sommer, Wenya Du, Y.H. Fei, Afifax Mohd Ali, Самадов А.У., Ш.М. Шакиров ва бошқалар.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда кескич пластинкаларини алюминий оксид асосли материаллардан ишлаб чиқариш жараёнида турли усуллардан фойдаланиш ва қўшимча сифатида қўшиладиган материалларнинг миқдорини киритиш, мустаҳкамлик ва зарбий қовушқоқлик хоссаларининг пастлиги, пресслаш жараёнидаги босим ва қиздириб пишириш ҳароратларидан фойдаланиш муаммолари мавжуд. Шу муносабат билан кескич пластинкалари учун алюминий оксид асосли минералокерамик материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қаттиқлиги, зарбий қовушқоқлиги, умрбоқийлиги ҳамда ейилишбардошлилигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда катта илмий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017 йил 20 сентябрда икки томонлама

ТошДТУ ҳамда «Олмалик КМК» АЖ қошидаги №137/45А “Нодир металллар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси» билан тузилган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минералокерамик асбобсозлик материалларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

алюминий оксид-YSZ асосли керамик материалнинг оптимал таркибини аниқлаш;

алюминий оксид-YSZ асосли керамик композицион материалнинг оптимал таркибини композитнинг механик хоссасига таъсирини аниқлаш ва ўрганиш;

алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материалнинг янги кимёвий таркиби асосида керамик композитнинг қиздириб пишириш технологиясини ишлаб чиқиш;

алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материалнинг оптимал таркибини қотишманинг ейилишга бардошлигига таъсирини аниқлаш ва ўрганиш;

алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материални олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижалари асосида олинган минералокерамик кескич пластинкаларини республикамизнинг йирик корхоналарида қўллаш ва уларни қўллашдаги техник-иқтисодий кўрсаткичларни ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материал олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида оптимал миқдорий қийматларда аралаштирилган алюминий оксид ва YSZ дисперс кукунлари ҳамда прессланган ва қиздириб пиширилган алюминий оксид асосли минералокерамик материал олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик-механик таҳлил усуллари: “SEM-EVO MA 10” ва “JSM-IT210” электрон микроскоплари, Oxion Inverso оптик микроскоп, электрон микроскоп таҳлиллари, рентгенофаза (XRD-600 X) таҳлилларидан ҳамда МДХ мамлакатларида руҳсат берилган стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алюминий оксид-YSZ асосли керамик композицион материалнинг структура-фаза таркиби аниқланган;

алюминий оксид-YSZ асосли керамик композицион материалнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

технологик параметрлар, пресслаш босими ва қиздириб пишириш ҳароратининг алюминий оксид-YSZ асосли керамик композицион материалнинг зичланиш даражаси, эгилишдаги мустахкамлиги, каттиқлиги ва зарбий қовушқоқлигига таъсири аниқланган;

алюминий оксид-цирканий оксид асосли керамик композицион

материалнинг ейилишга бардошлигига цирконий оксиднинг фоиз микдорининг таъсири аниқланган;

алюминий оксид-цирконий оксид асосли керамик композицион материални олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори қаттиқликка эга бўлган қотишмалар ва тобланган пўлатларга механик кесиб ишлов бериш учун 91% Al_2O_3 ва 9% YSZ дан ташкил топган минералокерамик материалнинг янги таркиби жорий қилинди;

алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материал олишнинг оптимал технологияси ишлаб чиқилган;

алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материал олишнинг оптимал технологик режимлари: пресшлаш босими ва қиздириб пишириш ҳарорати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаллиф томонидан металлларга механик кесиб тоза ишлов бериш пластиналари учун алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материал олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни қўллашда материалнинг кимёвий таркиби, тузилиши ва механик ҳамда ейилишга бардошлилик хоссаларини аниқлашнинг замонавий усулларида ва замонавий компьютер ҳамда дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда ўтказилган лаборатория ва ишлаб чиқариш синовлари натижаларига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, алюминий оксид-YSZ асосли минералокерамик композит материалнинг механик-физик ва эксплуатацион хоссаларига цирконий оксид микдорининг таъсир қилиш қонуниятларини, механик кесиб тоза ишлов беришда қўлланилаётган алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материалдан тайёрланган пластиналарнинг умрбоқийлигини ошириш ва ишлов бериладиган деталларнинг сирт сифатини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу яратилган алюминий оксид-YSZ асосли керамик композит материалнинг самарали таркибини механик кесиб тоза ишлов бериш пластиналари учун қўллаш, бу пластиналарни олишнинг технологик режимларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Минералокерамик асбобсозлик материалларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

юқори қаттиқликка эга бўлган қотишмалар ва тобланган пўлатларга механик кесиб тоза ишлов бериш учун 91% Al_2O_3 ва 9% YSZ дан ташкил топган минералокерамик материалнинг янги таркиби “Ўзбекистон технологик металллар комбинати” АЖда ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБДА амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекистон технологик металллар комбинати” АЖ 2025 йил 25 февралдаги №04/03-248-сонли маълумотномаси). Натижада юқори қаттиқликка эга қотишмалар ва тобланган пўлатларга тоза кесиб ишлов

беришда фойдаланиладиган қаттиқ қотишма (Т15К6) аналогларига нисбатан таннархи 25...30% га арзон бўлган минералокерамик асбобсозлик пластиналарни олиш имкониятини берган;

таркиби 91% Al_2O_3 ва 9% YSZ дан ташкил топган юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган асбобсозлик материалларини олиш технологияси “Ўзбекистон технологик металллар комбинати” АЖда ишлаб чиқариш бўйича ИИЧБДА амалиётга жорий қилинган (“Ўзбекистон технологик металллар комбинати” АЖ 2025 йил 25 февралдаги №04/03-248-сонли маълумотномаси). Натижада, минералокерамик пластиналарни импорти 25...30% ва ишлаб чиқаришдаги сарф харажатлар 20...25% га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та конференцияларда, шу жумладан 2 та республика илмий-амалий ва 2 та халқаро конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та иш эълон қилинган. Шулардан 6 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Алюминий оксиди асосли асбобсозлик материалларини ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида алюминий оксид кукуни асосли материаллар турлари, хоссалари, ышлланилиши ва уларни тайёрлаш технологияси бўйича мавжуд замонавий адабиётлар манбалари таҳлил қилинган. Адабиётлар манбаларини ўрганиш асосида қилинган таҳлиллардан алюминий оксид асосли минералокерамик кукунларидан кукун металлургияси усулларида юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган асбобсозлик материаллари олиш имконини берадиган бир қатор вазифаларни ечишнинг долзарблиги хулоса қилинди. Ушбу диссертация иши худди шу юқорида қайд этилган вазифани ечишга бағишланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектларни танлаш ва алюминий оксид**


кукуни асосли минералокерамик материалларни хоссаларини тадқиқ қилиш методикаси» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти танланган ва унинг асосида алюминий оксид асосдаги керамик композицион материалларни физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари аниқланган.

Рентген дифрактометри, СЭМ ва оптик инверсион микроскоп ёрдамида фаза таҳлилларидан фойдаланилган. Материалнинг физик-механик хоссалари HBRVS-1875 модели универсал қаттиқлик ўлчайдиган асбоб, WDW-100E маркали эгувчи машина ёрдамида аниқланган. Материалнинг трибологик хоссалари эса ZEC21 маркали электрон тарози ва TIME®3200 маркали юза ғадир-будурлиги ўлчайдиган асбобдан фойдаланилган. Экспериментал тадқиқотлар “Ўзбекистон – Япония ёшлари инновация маркази”, “Ўзбекистон технологик металл комбинати” ва Илмий технологик марказида, ТошДТУ “Материалшунослик” кафедрасининг лаборатория базасида амалга оширилди.


Диссертациянинг «**Алюминий оксид асосли минералокерамик материалларидан асбобсозлик материалларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» номли учинчи бобида турли цирконий оксид миқдорига эга бўлган алюминий оксид асосидаги янги керамик композицияни ишлаб чиқаришнинг технологик босқичлари ва ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Шарли тегирмонда аралаштириш жараёнида алюминий оксиднинг қаттиқлиги цирконий оксидникидан юқорилиги ҳисобига алюминий оксид кукуни ва цирконий оксид шар орасида кесувчи кучлар ҳосил бўлади ва натижада шарлардан дисперс цирконий оксид кукунлари ажралиб хом-ашё кукунларни легирлайди. Бунда ажралган цирконий оксид кукунлари алюминий оксидга ўралиб, бир текис дисперс тақсимланади. Шарли тегирмонда содир бўладиган ушбу механик легирланиш ва дисперс тақсимланишнинг схематик диаграммаси 1-2 расмда келтирилган.

Тадқиқотлар учун 1, 3, 5, 7 ва 9% цирконий оксидга эга бўлган намуналар тайёрланди. Намуналар кукун аралашмаларини 30 дан 50 МПа гача босим ёрдамида пресслаш ва 1500 дан 1600 °С ҳароратда қиздириб пишириш орқали тайёрланди.




1-расм. Тадқиқот намуналар олиш учун шихтасини тайёрлашда қўлланилган лаборатория жиҳозлари



2-расм. Алюминий оксид цирконий оксид қуқунларини шарли тегирмонда аралаштиришда механик легирланиш ва дисперс тақсимланиш жараёни


Минералокерамик қуқун композициянинг бутун хажми бўйлаб иссиқликнинг бир текис тақсимланишини таъминлаш мақсадида қиздириб пишириш жараёнида намуналар турли керамик қуқунларга кўмилган ҳолатда тигелга солинди (3-расм).



1 - тигел; 2 – қиздириш элементи; 3 – паддон; 4 – терможуфт;
5 – алюминий оксид қуқуни; 6 – намуна;


3 – расм. Турли таркибли синов намуналарини кўриниши ва уларни алюминий оксидга кўмилган ҳолда тигел билан печга жойлаштирилиши

Олдин преслаш босими ва қиздириб пиширишнинг ҳарорат режимларини турли миқдорда цирконий оксидга эга бўлган алюминий оксид асосли минералокерамик композициянинг ўлчам ўзгариши, зичлиги ва зичланиш даражасига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди (4-7расмлар). Намуналарнинг қиздириб пиширилганда ўлчам ўзгаришининг ўртача қиймати бўйи ва эни учун 16%, ва баландлиги бўйича эса 13% ни ташкил қилганлиги 4-расмдан кўриниб турган бўлса, қиздириб пиширишда ўлчам ўлчам киришиш коэффициентининг ҳароратга тўғри пропорционаллигини 5-расмдан кўриниб турибди.



4-расм. Алюминий оксид асосли намуналарнинг а) пресслаб олинган ва б) 1600 °С хароратда 3,5 соат давомида қиздириб пиширилгандаги ўлчамлари ва кўриниши


Алюминий оксид-YSZ асосли композициянинг нисбатан катта бўлган ўлчам киришиш коэффиценти қийматларига қиздириб пишириш харорати 1600 °С бўлган ҳолатда эга бўлади.




5-расм. Таркибли намуна учун ўлчам киришиш коэффицентининг қиздириш хароратига боғлиқ ҳолда ўзгариши

Энди композициянинг зичлига келсак, алюминий оксид асосли композициянинг зичлиги пресслаш босими ошиши билан ортади ва унинг энг катта қийматга эга бўлиши пресслаш босими 45 МПа да ва қиздириб пишириш харорати 1600 °С бўлган ҳолатда эришилади (6-расм). Лекин пресслаш босими 45 t/cm^2 дан қори бўлган қийматларда намуналарда пресслаш босимининг йўналишига перпендикуляр бўлган майда дарзлар ва ички юзасида қатламланиш содир бўлиши хисобига камайиб боради (7-расм).

Намуналар учун зичланиш даражасининг энг катта қийматига YSZ миқдори 9%, пресслаш босими 45 t/cm^2 ва қиздириб пишириш харорати 1600 °С бўлганда эга бўлиши 8-расмдан кўриниб турибди.




6-расм. Цирконий оксид миқдорига ва пресслаш босимига боғлиқ ҳолда намуналарнинг қиздириб пиширилгандан кейинги зичлигини ўзгариши




7 – расм. Шихта кукунидан 50 т/см² босимида прессланган ва қиздириб пиширилган намуна

Алюминий оксид асосли минералокерамик пластиналарнинг асосий камчилиги бу мустаҳкамлик ва дарзбардошлигининг пастлиги ҳисобланади. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида 1 дан то 9% гача стабилланган цирконий оксид эга бўлган алюминий оксид асосли керамик композициясининг эгилишдаги мустаҳкамлик қийматларига YSZ миқдори таъсирини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди.




8-расм. Шихта кукунидан 45 т/см² босимида прессланган ва қиздириб пиширилган намуна

Тадқиқот натижалари композицияда YSZ миқдорининг ошиши билан унинг эгилишдаги мустаҳкамлигининг ошишини кўрсатди (9-расм).




9-расм. Намуналарни таркибидаги YSZ миқдорига боғлиқ равишда эгилишдаги мустаҳкамлик чегарасини ўзгариши

Эгилишга синалган намуналарнинг синган юзалари таҳлил қилинганда, YSZ миқдорининг дастлабки қийматларида мўрт синиш кузатилган бўлса, цирконий миқдори ортган сари қовушқоқ синиш характери ҳам ортиб борган (10-расм).



10-расм. Алюминий оксид асосли намуналарнинг синган юза микроструктураси


Композицияларнинг микроқаттиқлиги ва зарбий қовушқоқлик хоссалари ГОСТ 1327-99 ва ГОСТ 1421-99 орқали аниқланди.



11-расм. Намуналарни таркибидаги YSZ миқдорига боғлиқ равишда зарбий қовушқоқлигини ўзгариши

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари композициянинг эгилишдаги мустахкамлиги ва зарбий қовушқоқлиги ўртасида тўғри корреляция борлиги аниқланди (9,11-расмлар). Композициянинг дарзбардошлиги чегараси ҳам YSZ миқдори ошиши билан ошади.


Алюминий оксиднинг қаттиқлиги YSZнинг қаттиқлигидан юқори бўлишини адабиётлар таҳлилидан аниқланди ва YSZ миқдорининг керамик композициянинг микроқаттиқлигига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.



а – 1% ZrO₂; б - 3% ZrO₂; с - 5% ZrO₂; д - 7% ZrO₂; е - 9% ZrO₂. 1, 2, 3 – дарз; 4 - ўйик худуд

12-расм. Намуналарни таркибидаги цирконий оксид миқдорига боғлиқ равишда микроқаттиқлиги ўзгариши


YSZ миқдори 1% дан 5 % гача бўлган ораликда намунанинг қаттиқлиги 20 ГПа дан 21 ГПа гача чизикли ортиб борган бўлса, YSZ миқдори 5 % дан ортиши билан намунанинг қаттиқлиги камайган (12-расм). Шунингдек, 9% YSZга эга намуналар учун механик хоссаларини қиздириб пишириш харорати ва ушлаб туриш вақтига боғлиқлик тадқиқотлари ўтказилди (13-расм).



а)

б)


13-расм. Таркибида 9% YSZ бўлган ва турли хароратларда қиздириб пиширилган намуналар учун ушлаб туриш вақтининг (а) қаттиқлик ва (б) эгилишдаги мустахкамлик хоссаларига боғлиқлик графиклари



14-расм. Таркибида 9% YSZ бўлган алюминий оксид намуналар учун СЭМ таҳлил натижалари

Механик хоссаларнинг микроструктурага боғлиқлигини ўрганиш мақсадида таркибида турли миқдорда YSZ киритилиб тайёрланган намуналар учун микроструктуравий таҳлиллар ўтказилди (14-расм).


91% Al₂O₃-9% ZrO₂ композициянинг микроструктураси икки фаза алюминий оксид ва YSZ доналаридан иборат бўлади. Электрон микроскопда олинган расмлардаги ғовакликларга Image Focus Alpha дастуридан фойдаланган ҳолда ранг берилиб, намуналар таркибидаги ғовакликлар миқдори аниқланди (15-расм).



15-расм. 91% Al₂O₃-9% YSZ композициянинг микроскопик ва ғоваклик таҳлиллари. а – намуна микроструктураси (3000x) б – Image Focus Alpha дастурида олинган ғоваклик юзаси с – ғоваклик жадвали


Алюминий оксид асосли керамик композициянинг таркибида ғоваклик миқдори 1.73% ни ташкил қилиши аниқланди ва бу эса алюминий оксид-YSZ композициянинг юқори зичлигида намоён бўлади.

Шунингдек, паст ғоваклик ва юқори механик хоссалар алюминий оксид асосли керамик композицияни ташкил этувчи дона ўлчамлари билан боғлиқ бўлади. YSZ заррачалари Al₂O₃ доналарининг ўсишини чекловчи вазифани бажариб, YSZ миқдорининг 1-9% гача ортиши билан Al₂O₃ доналари мос равишда 5.5 мкм дан 2.2 мкм гача камайиб борди (16-расм).



16-расм. Цирконий оксид миқдорининг Al₂O₃ ва YSZ доналарининг ўсишига таъсири

Диссертациянинг тўртинчи боби «Алюминий оксид асосли минералокерамик материаллардан тайёрланган пластинкаларни трибологик хоссаларини аниқлаш» деб номланади. Алюминий оксид асосли материалларидан тайёрланган пластинкаларни токарлик цехларида эксплуатацион шароитда апробациядан ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган 95% Al₂O₃-(1%, 3%, 5%, 7% ва 9% YSZ) таркибли пластинкаларнинг намуналари ишлаб чиқилган технология асосида кукун металлургия усулида ишлаб чиқарилди (17-расм).




17-расм. а-янги таркибли кескич пластинкаларини токарлик дастгоҳига маҳкамлаш жараёни; б-пўлат валга кесиб ишлов бериш жараёни

Тайёрланган минералокерамик пластиналарни апробацияси “Олмалик КМК” АЖ қошидаги “Ўзбекистон технологик металлургия комбинати”даги Металларга кесиб ишлов бериш цехида ва шунингдек Материалшунослик кафедрасидаги токарлик станогига ўрнатилган холда тобланган пўлат деталларга механик кесиб тоза ишлов бериш орқали амалга оширилди.


Янги кукун композицион минералокерамик пластинкаларларнинг ейилишбардошлилигини аниқлаш мақсадида ейилган юза хажмига қараб қиёсий синовлар ва пластинкаларнинг механик кесиб тоза ишлов беришдан олдинги ва кейинги оғирликларининг ўзгаришини аниқлаш синовлари

ўтказилди. Таркибида 9 % YSZ бўлганда пластинкаларнинг ейилган масса миқдори энг кам бўлади. Бундан кўришимиз мумкинки, керамик композитларнинг трибологик хоссаларини уларнинг қаттиқлиги билан ўлчамаслигимиз кераклигини кўришимиз мумкин (18-расм).



18-расм. Минералокерамик асбобсозлик пластиналарда механик кесиб тоза ишлов беришдаги ейилиш графиги

Таркибида 1%, 3%, 5%, 7% ва 9% YSZ бўлган минералокерамик асбобсозлик пластиналар билан тобланган пўлатга механик кесиб тоза ишлов беришдан кейинги юзаларининг макроскопик ва микроскопик тахлиллар ўтказилди. Синаш натижалари таркибида 9% YSZ бўлган пластиналарнинг термик бардошлилиги ва ейилишга бардошлилиги бошқа таркибли пластиналарга нисбатан юқори эканлигини кўрсатди (19-расм).




а) 1 - кичик олд юза ейилиш зонаси. б) 1 - абразив ейилиш 2 - кичик абразив ариқчалар. с) 1 - кичик орқа ейилиши. д) 1 - олд юзага ёпишган қиринди 2 - озроқ қатламли ейилиш 3 - абразив ариқчалар

19-расм. Таркибида 9% YSZ бўлган минералокерамик асбобсозлик пластинанинг механик кесиб тоза ишлов беришдан кейинги орқа (а ва б) ва олд юза (а ва с) макро ва микро тузилиши


Абразив ейилишнинг кам бўлиши механик кесиб тоза ишлов беришда детал юза ғадир-будурликларининг минимал бўлишлигини таъминлайди (20-расм).

Апробацияда олинган натижаларни ҳозирги кунда корхонада қўлланилиб келинаётган пластиналарнинг юза ғадир будурлиги билан таққослаш 21-расмда келтирилган. 91% Al_2O_3 + 9% YSZ пластинада ишлов берилган деталларнинг юза қадир-будурлиги қолган аналоглари қараганда минимал қийматларга эга бўлади ва бу тафовут элборга қараганда кичик бўлиб, дастлаб 0.5 μm бўлса, 8 дақиқа ишлов берилгандан сўнг эса 3.9 μm ни ташкил этди.



1 – ишлов беришдан олдинги детал юзаси, 2 - ишлов беришдан кейинги детал юзаси, 3 – минералокерамик кескич, 4 – металл қиринди

20-расм. Механик кесиб тоза ишлов беришдан кейин минералокерамик пластина ва детал кўриниши



21-расм. Юза ғадир-будурлигининг кесиш вақтига боғлиқлик графиги

Шундай қилиб тобланган пўлат ва қотишмаларга механик кесиб тоза ишлов бериш минералокерамик пластиналар учун 91% Al_2O_3 ва 9% YSZ дан ташкил топган кукунли композициянинг таркиби жорий қилинди. Натижада аналогларига нисбатан таннархи 25...30% га арзон бўлган минералокерамик асбобсозлик пластиналарини олиш имкониятига эришилди. 91% Al_2O_3 ва 9%

YSZ дан ташкил топган кукунли композиция учун 45 МПа босимда пресслаш ва 1600 °С ҳароратда қиздириб пиширишдан иборат технологик режим ишлаб чиқилди. Натижада минералокерамик пластиналарни импорти 25-30 % га қисқартиришга ва ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатлар 20-25% гача қисқарди.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларга асосланган ҳолда пластиналарни бошқа минералокерамик пластиналарга алмаштиришдаги иқтисодий самарадорлик битта партия пластиналар учун 50 млн. сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Таркиби 91% алюминий оксид ва 9% цирконий оксид (3% иттрий оксид билан стабилланган) дан иборат юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган асбобсозлик материалларини олиш имконини берувчи технологик жараёни ишлаб чиқилди.

2. Юқори қаттиқликка эга бўлган қотишмалар ва тобланган пўлатларга механик кесиб тоза ишлов бериш учун 91% алюминий оксид ва 9% цирконий оксид (3% иттрий оксид билан стабилланган) дан иборат минералокерамик материалнинг рационал таркиби таклиф этилди.

3. Юқори қаттиқликка эга қотишмалар ва тобланган пўлатларга тоза кесиб ишлов беришда фойдаланиладиган қаттиқ қотишма (Т15К6) аналогларига нисбатан таннархи 25-30% га арзон бўлган минералокерамик асбобсозлик пластиналарини олиш имкониятига эришилди.

4. 91% алюминий оксид ва 9% цирконий оксид (3% иттрий оксид билан стабилланган) дан иборат минералокерамик асбобсозлик материалларини механик ва технологик хоссаларини оширишга имкон берувчи кукунли металлургия усулида олишда пресслаш босими 45 МПа ва қиздириб пишириш ҳарорати 1600⁰С бўлган режим тавсия этилди.

5. 91% алюминий оксид ва 9% цирконий оксид (3% иттрий оксид билан стабилланган) дан иборат минералокерамик асбобсозлик пластиналарни ишлаб чиқаришдаги сарф харажатларни 20...25% қисқартиришга имкон берувчи технологик режим ишлаб чиқилди.

6. Алюминий оксид- цирконий оксид (3% иттрий оксид билан стабилланган) асосидаги минералокерамик асбобсозлик пластиналарни ишлаб чиқариш бўйича ТР00193945-71-07-022025 технологик регламент ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/2025.27.12.T.02.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УЧРЕЖДЕНИЯ “ФАН
ВА ТАРАҚИЁТ” ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

БЕКТЕМИРОВ БЕГАЛИ ШУХРАТ УГЛИ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
МИНЕРАЛОКЕРАМИЧЕСКИХ ИНСТРУМЕНТАЛЬНЫХ
МАТЕРИАЛОВ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия черных,
цветных и редких металлов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2022.3.PhD/T3099.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gurft.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	Каримов Шоирджон Ахралович кандидат технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Улмасов Тулкин Усманович доктор технических наук, с.н.с. Пармонов Сарвар Ташпулатович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Каршинский государственный технический университет

Защита диссертации состоится **«10» апреля 2026 года в 14³⁰ часов** на заседании Научного совета DSc.03/2025.27.12.T.02.06 при ГУ «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqqiyyot@mail.ru в здании «Фан ва тараккиёт» ГУ, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУ «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номером №31-25). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «27» марта 2026 года.
(протокол реестра №31-25 от «25» ноября 2025 г.).

С.С. Негматов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор, академик АН РУз

М.Э. Икрамова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

В.С. Туляганова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировом машиностроении с каждым днем возрастает потребность в производстве режущих пластин методом порошковой металлургии, широко применяемых при механической обработке резанием различных труднообрабатываемых закаленных сталей и многих сплавов цветных металлов, а также в разработке эффективных порошковых композиционных материалов для режущих пластин. В связи с этим разработка эффективного состава и технологии получения износостойкого керамического композиционного материала на основе оксида алюминия методом порошковой металлургии имеет большое значение, в том числе для повышения производительности и эффективности минералокерамических режущих пластин, используемых в станках механической резки металлов.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по изготовлению минералокерамических режущих пластин для обработки металлов в машиностроении с целью изучения влияния различных добавок вторичных легирующих фаз и с использованием различных технологий производства добиться экономической эффективности за счет повышения прочностных, механических и эксплуатационных свойств этих режущих пластин за счет легирующих добавок и технологии производства. В этой связи особую актуальность приобретает создание эффективных технологий получения высокотермомеханических и износостойких вставок из материалов на основе оксида алюминия методом порошковой металлургии, а также изучение влияния характеристик дополнительных легирующих элементов и давления прессования, параметров отжига на механические и технологические свойства, износостойкие свойства, создание и освоение эффективных, ресурсосберегающих технологий их производства.

В республике проводятся мероприятия по созданию методов и технологий получения различных изделий и продуктов из оксида алюминия, а также по созданию на его основе материалов с высокими физико-механическими свойствами для режущих пластин, используемых в металлообработке, и в этом направлении достигаются определенные результаты. В Стратегии дальнейшего развития Нового Узбекистана сформулированы важные задачи, в частности, по “... поднятию промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработке местного сырья, ускорению производства готовой продукции, освоению новых видов продукции и технологий...”¹. В связи с этим разработка эффективного состава и технологии получения материалов на основе оксида алюминия для режущих пластин, используемых в металлообработке, имеет большое значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 27 апреля 2018 г. №ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и комплектов», от 17 января 2019 года №ПП-4124 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической сети», от 24 июня 2021 года №ПП-5159 «О дополнительных мерах по развитию горнодобывающей и металлургической промышленности и связанных с ними отраслей» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. “Энергетика, энергоресурсосбережение, машиностроение и ресурсосбережение”.

